

БУГУН ТОШКЕНТДА
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ
АНЖУМАНИ ОЧИЛАДИ

Ўзбекистон халқ шоири Шўхратнинг бундан қирқ йиллар муқаддам ёзган шеъридаги:

«Агар ҳаёт бўстон бўлса,
боғбон муаллим,
Агар ҳаёт қарвон бўлса,
сарбон муаллим», — деган сатрлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмас керак. Зеро, киши руҳининг муҳайяслари ҳисобланмиш устозлар ҳақида қанча яхши гап айтилса, шунча оз. Бинобарин, Ўзбекистон ўқитувчиларининг конференцияси арасида жумҳурият Президентининг фармони билан уларга бир қанча қулайликлар яратилиши партия ва ҳукуматимизнинг ёш авлод тарбияси тўғрисида қилган улкан ғамхўрлигидан нишондир. Маъқури фармон муаллимларнинг ижтимоий мавқега юксак баҳо бериладиганини ифода қилиб қолди. Зотан, ёш авлод ким бўлиб етишиши, у қандай қадриятлар билан ҳаётга қадам қўйиши кўп жиҳатдан ўқитувчининг билимига, дунёқарашига,

АГАР ҲАЁТ БЎСТОН БЎЛСА, БОҒБОН МУАЛЛИМ

делег таъкидлаганидек: «Ўқитувчилар илмининг маҳаллий машғуллари бўлганлари ҳолда ўз ихтисослари бўйича замоний фаннинг юксак чуқурида турмоқлари зарур».

Бугун Тошкентдаги Санъат саройида иш бошлайдиган Ўзбекистон ўқитувчилари конференцияси жумҳурият маориф ходимлари ҳаётида муҳим воқеа бўлади. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазири К. Ю. Юсуповнинг «Ўзбекистон ССЖ халқ таълимининг қайта қурилиши» асосий йўналишлари ва бошқариш тўғрисидаги маълумотини тинглаб, муҳокама қиладилар. Таълим ва тарбиянинг жонқуяр фидойилари «Мақтабча тарбия», «Умумий ўрта таълим», «Хунар-техника таълими», «Узлуксиз педагогик таълим», «Мақтабдан ташқари тарбия», «Таълим соҳасини бошқариш» каби секцияларда маърифатнинг энг долзарб масалалари ҳусусида фикр юритадилар.

Ҳозир жумҳуриятимиз ҳудудида фаолият кўрсатган 8.303 кундузги умумий таълим мактабларида, мактаб-интернатларда 4.658,8 минг ўқувчи таълим бераётган 329.709 ўқитувчи н



Ўқитувчи моддий бойлик ишлаб чиқармайди. Лекин мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтган вақтда ҳам унинг меҳнати барбиров ўз қадрини йўқотмайди. Чунки у жамият тараққиётини таъминлайдиган билимдон, тадбиркор, оқил кишиларни тарбиялаб еттиштирилади.

Ана шундай оқил муаллимлардан бири Мусаллам Қўчқорова (юқоридаги сурат) 14 йилдан бери Вулунгур районидagi Фозил Йўлдош ўғли номида давлат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган 5-ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига да беради. Унинг дастлабки шогирдлари ҳозир олий илмгоҳларда таълим олишмоқда, баъзилари сирдан ўқиб, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилмоқдалар. Ҳозир у биринчи синф ўқувчиларига савод ўргатмоқда.

КАМТАРГА КАМОЛ

Мактабни ҳаётимиз, замонамиз аҳоли руҳиясини ифода-ловчи қон томирига қиёс этилса, ўқитувчининг эса жамиятдаги, давлатдаги ўзгаришлар эҳтисоби, деб атай мумкин. Иқтисодий-сиёсий муҳайясиллик, ижтимоий-маданий қонилиш учун кескин, мураккаб кураш бораётган ҳозирги босқич мактаб ҳақида қандай ақс этилган ўқитувчилар фаолиятида қандай э қолдираётган!

Мен райониимизнинг етакчи маорифчиларидан бири Раҳмон Маматов ҳақида тўхтамоқчиман. Уни бир кўрган одам самимийлигини, ростгўйлиги ва тўғри сўзлиги учун севиб қолади. Камтарлик эса унинг асосий фазилати. Шундай кишилар борки, улар ўз ҳаёти ва тақдирини ўзгалар ташвиши билан, маҳалла-қўй тинчилиги, кишилар оғирини енгил қилиш, одамлар дарадига шерик бўлиш билан боғлайдилар. Шуллар тўғрисида елқамиздаги юкчимиз енгил, ўзгичмиз яқин, ташвишимиз шодликка айланади.

МЕРОС

Меросимиз бой, бу бизни фахрлантиради. Агар бўлмаса, бошимизни қайларга урардик? Мир Алишер Навоига, унинг ўлмас асарларига ситғимасак, ўз қиёмега эга бўлармидик? Ниҳоят Ганжави Абдураҳмон Жомийни, Қисра Дехлавий мавлово Лутфийни ўқимасак, маънавий баркамолликка эришармидик? Хайратни, Фитрату Бехбудий, Чўпону Усмон Носир мероси халқимизга қайтарилди. Бундан қувонмоқ керак. Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини кўринг. Нақадар теранлик, ҳаётбахшлик бор уларда. Биз Қуръонни қарим — эътиқод ва покликнинг, адолат ва маърифат равиъ эканини тан оладимиз, ҳуррофот дея тошлар отдик. Шу боис бутун ўз халқимиз учун янги авлоддан уэр сўрашга маж-

МЕРОС

нинг тақдирланган меросимиз.

Раҳматлик отамдан савоб иш ҳақида кўп ва хўп насиҳат ваъиятлар эшитганман. Юраги меҳмонларга дастурхон, бир бурда нони ва илғи сўзи энефат эди. У киши ўтиб кетдилар. Сўғити мерос — Қуръонни қаримдан уч сўра қолди. Отам қабри устида шунга татқолайман, Шу ҳам — мерос.

Хўш, мен ўзим нима қилишга улгурдим? Умримнинг армидан кўпи ўтди-ку! Қани мерос — ҳеч нима? Орттирган шунми дунёдан? Сиз-чи, азиз дўстим, меросингиз борми? Замон ўта-ларар, мерос ўлмайгай...

Муҳаммад ХУДОЕВ, Свердлов районидagi 19-ўрта мактаб ўқитувчиси.

КАШИҚАДАРЭ ВЕЛОЯТИНИНГ ГЎЗАЛ ШАХРИСАБЗ РАЙОНИ ҲАҚИДА

Қашиқадарэ вилаетининг гўзал Шахрисабз райони ҳақида гап кетгудек бўлса, машҳур Оқсарой, гўзал боғ-роғлар билан бирга замоний мактабларда билим олаётган ёшларнинг ёрқин келажиги кўз олдинга келади. Акмал Икромов номи 71-мактаб — районодаги йирин билим даргоҳларидан бири. Мана уч йилдирки, болалар янги бинода бир сменда таҳсил кўрмоқдалар. Уларга (иккинчи сурат, чапдан) Шамсизини Гўломов, Шоира Жоминова, Гулжаҳон Тўраева сингари ўз касбини жонидан севган муаллималар билим асосларини ўргатишмоқда.

Бухоро вилаетининг Шофиркон районидagi 21-ўрта мактабда «Ленинбод» жамоа ҳўжалиги меҳнаткашларининг мингдан энед ўғил ва қиз таълим олмоқда. Уларга юздан ортқ малакали ўқитувчи устозлик қилаяпти. Сиз учинчи суратда кўриб турган Моҳидил Ҳотамова кимё фанидан дарс беради. У ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик қуради. Шунинг учун ҳам ўқувчилар унинг дарсини қизиқчи билан тинглаб, пухта ўзлаштиридилар. Айна вақтда Моҳидил ўқув кўргазмалари курулларидан моҳирона фойдаланади.

Бу уч лавҳани сураткашлардан Т. ДАВЛАТОВ, Ж. БОБОРАҲМАТОВ ва К. КАРИМОВ муштарийлар ҳукмига ҳавола қилишни лозим топдилар.

ҚИШЛОҚ АЁЛИ

Кетмон чопар аёл далада,
Кўёш тинмай соғди оташ.
Вари жонот ётар панада,
Кетмон чопар шу аёл яқини.

Юзларидан қўйилар армон,
Оқиб тушар ҳасратлари ҳам.

Рўмолига артиб дардларин,
Кетмонини кўтарар илдам.
Унинг меҳри чаноқда кулар,
Пахта бўлиб келганида куз.

Қўлларининг назонатини
Кетмон даста билди ёлғиз.
Оғир дардман рўмолини
Ураб.

Кетмон чопар далада аёл,
Кечда қайтар оёгин судраб.

Армонлардан бўшмас хаёл...

Наима РАҲМОНОВА,
Уйчи районидagi 4-мактаб ўқитувчиси.

НАЗМ ГАФТАРИДАН

Юртим, жамолнинг бағлар ярашқ,
Дарёлар ярашқ, тоғлар ярашқ,
Баҳорлар — фараҳбахш чоғлар ярашқ,
Юрқандан энтиб, энтиб севдим.

Гарчи ибтидоий қишлоқларнинг кўп,
Кўпни деб кўллари қадоқларнинг кўп,
Сим-сим оғриқларнинг ва доғларнинг кўп,
Мен сени ўртаниб, ўртаниб севдим.

Ҳали шаҳарни туш кўрар қизлар бор,
Ойда йозларда гарду тузалар бор,
Ҳали айтимасан армон, сўзлар бор,
Гоҳи шониди ҳақ гоҳи тоғи севдим.

Бог дедим, пахтазор даладар кездим,
Гоҳи хўш, гоҳи нохўш ҳидларни севдим.

Юртимга

Бошига қўнди-ю саодат қуши,
Қўлуги қар бўлди, қўзлари басир.

Дуп-дурот одамнинг терс ўзгариши
Бехосдан одамга қиларкан таъсир.

Ўзини халқпарвар кимсага йўйди,
Маъқул деб билди у қилган ишларин.

Олди-орқасини кўрмайин қўйди,
Янгилиги бўлди тилло тишлари.

ИЗҲОРИ ДИЛ

Оҳ, нима бўлса-да юртники дедим,
Номсиз бир оғридан тўлғаниб севдим.
Минглаб фарзандаларинг бир донасиман,
Бир умр шўълангнинг дарвозасиман.

Маккамсан, Мадинам сен — Ўзбекистон,
Мен сени ситғиниб, ситғиниб севдим.

Момоҳол ЭЛМУРОДОВА,
Қамаши районидagi 63-мактаб ўқитувчиси.

Кейин ҳам «янгилик» кўп қилди шоввоз,
Машна минди у, қасрлар қурди.

Турқи-салобати ғоз эса-да, ғоз,
Кетиб бўлган эди виқиди, бурди.

Ўзимдан ўтганин биларман ўзим,
Неки ғам забонсиз ичимга ютдим.

Йоним, иккинчизга ёр бўлсин тўғим,
Бундайин қуртларни кўп кўрдик, юртим!

Зиёвуддин ҚЎЗНОВ,
Хатирчи районидagi 40-мактаб ўқитувчиси.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Ўз шогирдларига меҳнатдан завқланмиш хислатларини уйғота билган муаллим шарофларга пойқ.

Э. ХАББАРД.

Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарсас муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

А. ДИСТЕРВЕРГ.

Ўқитувчининг бутун фахри ўқувчиларига, ўзи сочган уруғларининг ўсишидир.

Д. И. МЕНДЕЛЕЕВ.

Ўқитувчи энг масъул вазифани адо этади — инсоннинг шакллантиради.

М. И. КАЛИНИН.

Яхши ўқитувчилар яхши шонларини еттиштириди.

М. В. ОСТРОГРАДСКИЙ.

Ҳақ йўлда ким сenga бир ҳарф ўқитмиш ранж ила, айламак бўлмас эдо онинг ҳақин юз ганж ила.

А. НАВОЙИ.

Агар ўқитувчи виқонли бўлса, у ҳаммаша зийрак шогирд-литига қолаверди.

М. ГОРЬКИЙ.

Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимаини ўқитсанг — ўшанга, кимини ўқитсанг — ўшаларга меҳр қўйишнинг зарур.

В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ.

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

«Сельская правда»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана

Выходит на узбекском и русском языках.

ЗИЁКОР

Кейинги йилларда Уйчи районида меҳнаткашларга энг улашётган кутубхоналарни кўпайтириш соҳасида бирмунча ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда 46 та билим ўчоғи аҳолига маданий хизмат кўрсатаяпти. Бу масканларда ишловчиларнинг аксарияти олий ёки ўрта махсус маълумотли кишилардир.

— Ўз касбининг фидойиси, кишилар ҳурмат-эътиборига сазовор бўлаётган кутубхоначилар кўпчилигини ташкил этади, — дейди район марказий кутубхонаси директори Фотимахон Қўчқорова. — Ана шу фазилатларга эга бўлган энг тарватувчиларимиздан бири Маликхон Жўрабеовдир. У 1976 йилдан бери «Ленинград» жамоа ҳўжалигига жойлашган кутубхонада ишлаб келмоқда. Кутубхоналар соини кўпайтириш билан бирге у адабий кеча, турли урғуш, мушоралар ташкилотчиси ҳисобланади. Биз бу илзнувачан кутубхоначимиз билан фархланамиз.

Район марказий кутубхонасининг Маликхон Жўрабеова

СПОРТ АЖБОРОТИ

СССЖи соврини учун нимчорак бахсларининг илк учрашувлари ниҳонсига етди. Бу босқичда Москванинг «Торпедо», МАСК, Ставрополь ва Минскнинг «Динамо», Свердловскининг «Уралмаш» командалари муваффақиятли уйнадилар. Улар такоррий учрашувларини яхши якунаш учун замин яратти. Наминининг «Текотильщик» ва Ереваннинг «Арабат», Москванинг «Динамо» ва «Спартак» командалари ўртасидаги беллашуларда дураин (иккала-си ҳам 1:1) натижа қай этилиб, голиб аниқланмади.

Яқиндагина биринчи порода турчинини ўрин учун бахслашган Москванинг «Локомотив» ва Ярославнинг «Шинник» клублари ўртасидаги учрашув темирўйчилар ўттиш мусобақасида натижа 500 дан ортиб кетди. Бу кўрсаткичнинг 830 тага етказиш мўлжалланаяпти. Сўг-товар фермасида, бир қатор бригадалар дала шийонларида кўйма кутубхона ташкил этилган. Жамоатчи китоб ташувчилар бор. Кўп болани она Мазрифтхон Жабборов, пенсионер Турсунбой Йўлдошев олиса ва бошқа кишилар 34-мактабининг Муссар Мухидинова, Гулсара Тожиева сингари ўқувчи дастурлари хизматидан мамнун.

Малика Жўрабеова асли қўшини Янгйўлдош районининг гўзал ва маъзрали қишлоқларидан бири — Заренбадан. У ердиги 34-ўрта мактабни, сўнгга Наманган маданий-оқарту техникасининг кутубхоначилиги бўлимини тугетди. У ўз иш фаолиятини қишлоқдаги «Заренба» совхози касабасида уюшмас кутубхонасидан бошлади. 1976 йилдан бунг эса районимиздаги кутубхоналарда меҳнаткашларга энг улашиб келмоқда.

М. ҚОДИРОВ,
А. ЮСУФОВ.

МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВИ

Н. ЕКУБОВ.

700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32	ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 32-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Таржима бўлими — 32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.
---------------------------------------	---